

## Спорт тан ва рух қуввати

ТИҚХММИ “Гидромелиоратив ишларни механизациялаш” факультети 2020-2021 ўқув йили 1-курс талабалари ўртасида 2020 йил 30 ноябрь куни Институт спорт мажмуасида “Спорт соғлик гарови” шиори остида спортнинг Мини-футбол тури бўйича факультет декани кубоги спорт мусобақаси ўтказилди. Тадбирни юқори савияда ташкил этишдан мақсад талаба ёшларни бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, жисмонан соғлом, маънан етук инсон сифатида вояга етишига ёрдам беради. Тадбирда факультетнинг ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари О.Рўзибоев, “Жисмоний маданият ва спорт” кафедраси мураббийлари, гурух мураббийлари, факультет “Ёшлар иттифоқи” етакчилари фаол иштирок этишиди. Мусобақа муросасиз кўтарингки руҳда, фаол тарзда ўтди. Мусобақа якуни бўйича “СХМИМ” таълим йўналиши 105-гурух футболчилари 1-ўринни қўлга киритдилар, 2-ўринни “СХМИМ” таълим йўналиши 102-гурух футболчилари қўлга киритдилар, 3-ўринни “СХМИМ” таълим йўналиши 101-гурух футболчилари қўлга киритдилар.



ТИҚХММИ матбуот хизмати